



Буюк аждодларимиз – аллома ва мутафаккирлар математика, астрономия, физика каби аниқ фанлар, тиббиёт, кимё, география сингари табиий фанлар, тарих, адабиёт, фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар, ислом дини ва илоҳиётга оид улкан илмий асарлар яратиб, жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган.



СИРЛИ ОСМОН ТОҶИГА ИЛК ҚҲҲДИ НАРВОН, ЎЗБЕГИМ!

ёхуд Ўзбекистонга оид 1001 та қўлёзмани жамлаган янги нашр қувончи



Бугунги кунда ҳам кенг тарғиб қилинаётган маданий бойликларимиз жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатидоги турли илмий муассаса, музей, архив, кутубхона ва жамғармаларда сақланади. Шундай беқиёс хазинани юртимизга олиб келиб ўрганиш масаласи кўндаланг турган бир пайтда Президентимизнинг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Бу қарор, айниқса, илм аҳлини ниҳоятда мамнун этди.

Ўтган уч йил ичида мазкур қарор ижроси доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази директори, фалсафа фанлари доктори Роиқ БАҲОДИРОВ билан суҳбатлашдик.

— **Шарқда архивлар, ижодкорнинг ўзи ёзган асарини ёзиш жараёнидаги қоралама нусхалар ҳақидаги маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Алишер Навоий билан боғлиқ жараёнда бу жиҳат кўпроқ учрайди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашлари-ча, бу биз учун катта имконият. Навоий ҳаётлиги даврида кўчирилган девонларнинг ўн бештача қўлёзмаси айни давримизга етиб келган. Улар сафига эндиликда Туркиядан топилган “Бадоеъ ал-бидоя” асари ҳам қўшилибди. Суҳбатимизни Туркияга бўлган сафар билан боғлиқ таассуротларингиз билан бошласак...**

— Алишер Навоий асарлари неча асрлар ўтса ҳамки, ҳамон долзарблигини, оҳорини йўқотмай келаётган ноёб маънавий меросимиздир. Марказимиз томонидан буюк мутафаккир шоиримизнинг хориждаги асарлари қўлёзмаларини ўрганиш, улардан нусха олиш, факсимилесини нашрга тайёрлаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Марказ тузилишидан олдин Навоий ёки Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан бошқа алломалар ижодида оид қўлёзмаларни китоблар орқали билардик. Лекин уларнинг ўзига етиб бориш, нусха олиш, танишиш имконияти анча чекланган эди. Марказ ташкил этилган, хориждаги илмий ташкилотлар, қўлёзма фондлари, музейлар билан ҳамкорликда ишлаб, улардаги мавжуд осори-атиқаларни ўрганишга муяссар бўляпмиз. 2019 йили Туркияга сафар қилдик ва Истанбул шаҳрида жойлашган бир неча қўлёзма фондлари, музейларда бўлдик. Уларда Ўзбекистонга оид қўлёзмалар билан танишдик. Алишер Навоий ҳаётлиги даврида — 1485 йили кўчирилган қўлёзманинг рангли нусхасини олиб келишга эришдик. Ушбу қўлёзма — “Бадоеъ ал-бидоя” девонини Навоий давридаги жуда машҳур хаттотлардан бири Султонали Машҳадий кўчирган. Ҳозиргача илм-фанда бу девоннинг бешта нусхаси ҳақиқатида. Уларнинг ҳаммаси Навоий ҳаётлиги даврида кўчирилган, деб ҳисобланарди. Беш девоннинг ёнига энди олтинчиси — асарнинг Истанбул нусхаси қўшилди. Истанбул нусхасининг муҳим жиҳати, биринчидан, у Султонали Машҳадийдек жуда машҳур хаттот томонидан кўчирилгани бўлса, иккинчидан, Алишер Навоийнинг ўзи ҳаёт бўлган даврда Ҳиротда кўчирилган. Чунки 1485 йилда

Алишер Навоий ўзининг “Хамса” асарини ёзиб тугатаётган ва худди шу даврда бу қўлёзма Ҳиротда кўчирилгани боис, уни шоирнинг ўзи кўргани эҳтимоли жуда катта.

— **Марказ томонидан илмий тавсифлардан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тасдиқланган “Ўзбекистонга оид хорижда сақланаётган маданий бойликлар реестрини яратиш, нодир қўлёзма асарларнинг факсимилесини нашр этиш” лойиҳаси доирасида “UzCulture” электрон реестр дастури ишлаб чиқилаётган экан. Ушбу дастурнинг афзаллиги нимада?**

— Марказ хориждаги Ўзбекистонга оид маданий бойликлар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш ва тўплашда юртимиз ҳамда хориждаги турли нашрлар, хусусан, мақолалар, рисоалар, каталоглар, маданий бойликларимиз сақланаётган муассасалар веб-сайтидан фойдаланмоқда. Мазкур манбалардан мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид чет элда сақланаётган маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси — реестрини яратиш, уни мунтазам янгиланган боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунга қадар бу борада муайян илмий тадқиқотлар олиб борилди. Ўзбекистонга оид маданий бойликлар — қўлёзма, миниатюра, безак-тақинчоқ, нақш, сурат, турли осори-атиқалар, чолғу асбоблари, фотосуратлар аниқланди ва уларнинг илмий тавсифи тузилди. Маданий бойликларнинг деярли ярмини қўлёзма манбалар ташкил этади. Ушбу манбалар Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Абу Исо Термизий, Абу Мансур Мотуридидий, Алишер Навоий, Заҳририддин Муҳаммад Бобур, Абдулҳамид Кеший каби буюк мутафаккирлар қаламига мансуб. Шунингдек, Амир Темур ҳақида ва темурийлар даврига оид асарлар, Камолиддин Беҳзоднинг 50 дан ортиқ миниатюраси тавсифи ҳам ўрин олган.

Биз марказ томонидан тайёрланган реестрдан ҳамкор муассаса ва ташкилотларга юртимизга биринчи навбатда олиб келиниши лозим бўлган маданий бойликларни танлашга оид таклиф киритиш борасида муваффақ бўлдик. Муваффақимизга жавобан Фанлар академияси, Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва бошқа муассасалар томонидан 251 та маданий бойлик (194 та қўлёзма, 11 та миниатюра ва 46 та осори-атиқа) тавсия этилди. Марказ ушбу таклифларни ўрганиб чиқиб, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк аждодларимиз асарлари қўлёзмалари борасидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратди ва баъзиларини олиб келишга муваффақ бўлди. Хусусан, Ўмон Султонлигининг Масқат шаҳридаги “Дор ал-махтутот ва ал-вазоиқ” — Қўлёзмалар ва ҳужжатлар уйида сақланаётган Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” қўлёзмаси ва шу асарнинг Татаристон Фанлар академияси Г.Ибрагимов номидаги Тил, адабиёт ва санъат институти Ёзма ва мусиқий мерос маркази қўлёзмалар фондидаги

қўлёзмасининг рангли электрон нусхалари олинди, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига ҳада этилди.

Бундан уч йил олдин Ўзбекистонга оид маданий бойликлар ҳақида маълумотлар йиға бошлаган эдик, натижада ҳозирги кунда 6,5 мингдан ортиқ маданий бойликнинг реестри, яъни маълумотлар базаси яратилди. Ундан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида маълумотларни электрон реестрга киритиш учун янги тартиблар ишлаб чиқилди ва улар 5 та йўналишда мужассам бўлди: қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, миниатюралар, моддий маданий буюмлар, нумизматика.

Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистонга оид бўлган қўлёзмалар реестрининг 1-томи нашрга тайёрланди. 417 бетдан иборат бу китобда 30 дан ортиқ мамлакатдаги 52 та шаҳар, 97 та ташкилотда мавжуд қўлёзмаларни жамладик. 1001 та қўлёзманинг тавсифи киритилган ушбу тадқиқотга имкон қадар бутун дунёда ардоқланаётган қўлёзмаларни жамлашга ҳаракат қилганмиз. Бу нашрга Алишер Навоий ҳазратларининг қўлёзмалари, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридидий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Бобур Мирзо, Улуғбек Мирзо каби алломаларимизнинг асарлари, қўлёзмалари ўзбек, инглиз ва рус тилида киритилган.

Биз хорижга амалга оширган илмий сафарларимиз асосида турли илмий муассаса ва кутубхоналар билан ҳамкорлик меморандумларини имзоладик. Натижада илмий ҳамкорликнинг дастлабки қадамлари сифатида ҳозирги кунга қадар 35 та қўлёзманинг электрон рангли нусхасини олишга муваффақ бўлдик. Бу ерда бир нарсани алоҳида зикр этиш керак, ана шу 35 та қўлёзмадан биттасигина сотиб олинди. Бу Имом Бухорийнинг “Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг Оксфорддаги Бодлиан кутубхонасидаги нусхасидир. Қолган нусхалар бепул тақдим этилгани боис, тахминан 2 миллиард сўм атрофидаги маблағ тежаб қолинди.

Мазкур лойиҳа доирасида 2022 йилнинг охирига келиб электрон реестрни ўзимизнинг сайтимизга жойлаштиришни режалаштирганмиз. Биз фаолиятимиз аввалида 3 йил давомида 800 та қўлёзмани ўрганиб топширишни режалаштирган эдик. Буни қарангки, биринчи йилнинг ўзида 1001 та қўлёзма тадқиқ этиш ва нашрга тайёрлашга эришдик.

— **Жорий йилнинг 21 апрель куни Президентимизнинг “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда “Шарқ Рафаэли”, улуғ мусаввир ва миниатюрочи Камолиддин Беҳзод таваллудининг 565 йиллигини жорий йил октябрь ойида мамлакатимизда кенг нишонлаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгиланиб берилган. Хорижда Камолиддин Беҳзоднинг асарлари борми?**

— Камолиддин Беҳзод ва унинг шоғирдлари асарларини ўрганиш ҳамда уларни хориждаги музей ва архивлардан юртимизга олиб келиш бўйича марказимизга муайян вазифалар топширилган. Қарор доирасида марказимиз раҳбарлигида республикадаги бир неча

ташкилотлар ҳамкорлигида, хусусан, Ўзбекистон Бадий академияси, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва марказимиз ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. У Камолиддин Беҳзод ва унинг издошлари ижодида мансуб хорижда сақланаётган асарларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини юртимизга қайтариш бўйича 2020-2022 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси” доирасида ўз фаолиятини бошлади. Камолиддин Беҳзод ва унинг шоғирдлари асарлари сақланаётган ташкилотлар билан анлашув меморандумлари тузиш ҳам режалаштирилган.

— **Хориждаги илмий изланишларингиз давомида олимлар ва тадқиқотчилар Ўзбекистонда кечаётган бугунги илмий-таҳлилий жараёнларга қандай муносабат билдиришди?**

— Делегациямиз аъзолари А.Эркинов, С.Муҳаммадаминов, Ж.Исмоилова, К.Бекова, З.Шарипов, А.Тўраўжаев, Б.Анварова билан 2019 йилнинг сентябрь ойида Анқара ва Истанбул шаҳарларида бўлдик. Хизмат сафари асносида делегация аъзолари Туркия Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий бойликлар ва музейлар бош бошқармаси, Онадўли тамаддулар музейи, Турк тили ташкилоти, Миллий кутубхона, Туркия қўлёзма асарлар ташкилоти, Турк-ислом асарлари музейи каби бир неча эътиборга молик масканларда сақланаётган, Ўзбекистонга оид маданий бойликлар билан танишдик. Отатурк номидаги маданият, тил ва тарих олий ташкилоти таркибидаги Турк тили ташкилотида бўлган учрашувимизда мазкур ташкилот раҳбари профессор Гурер Гюлсевин Ўзбекистонда бўлаётган илмий-таҳлилий ўзгаришларга юқори баҳо бериб, марказимиз томонидан уч (ўзбек, инглиз, рус) тилида нашр этилаётган илмий тадқиқотларга тўртинчи тил — турк тилини қўшган ҳолда чоп этиш таклифини киритди. Сафар давомида ўтказилган барча учрашувларда Туркия вакиллари алломаларимиз номларини ҳурмат билан тилга олиб, олам илм-фани, жумладан, Туркиянинг ҳам илмий ривожига илдизи айнан ўзбек заминидан келганини қайта-қайта таъкидлашлари бизга жуда катта гуруҳ ва ифтихор бахш этди.

2018 йил май ойида “Москва Кремли” давлат тарих-маданият музей-қўриқхонасида бўлганимизда Ўзбекистон директори Наталья Афанасьева музей директори Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар, айниқса, Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни ўрганишга катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор эканини, бундай марказ ҳали ҳеч бир давлатда ташкил этилмаганини ҳаяжон билан таъкидлаб ўтди.

Россия давлат кутубхонаси директори Н.Самойленко эса учрашувимизда Шарқ тилларидаги қўлёзмаларни тавсиф қилиш юзасидан мутахассислар йўқлиги сабабли муайян қийинчиликлар юзга келаётгани, араб алифбосидаги мазкур қўлёзма асарларнинг каталоглари ҳали тузилмагани, бу асарлар ҳақида фақатгина қисқа регистратсион қайдлар мавжудлиги ва шу боис ҳам марказнинг ҳамкорлик таклифи айни муддао бўлганини билдирди. Бош директор ўринбосари Н.Молчанов кутубхонада 690 мингдан ортиқ нодир китоб, қўлёзма ва ҳужжат мавжудлигини ва уларнинг 100 га яқини араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёзмалар эканини таъкидлади.

Ҳар бир учрашувимиз юксак эътирофлар, таклифлар ва музокараларга бой бўлгани билан биз учун қадридир. Суҳбатимиз сўнггида сафарларимиз давомида бизга завқу шижоат, куч-ғайрат ва ғурур бахш этган бир ҳақиқатни айтиш ўтмоқчиман — ўзбек заминидан етишиб чиққан алломаларнинг мероси вақт ўтгани сайин янада юксак аҳамият касб этиб, жаҳон илм-фани намояндалари эътиборини ўзига кўпроқ жалб этиб бормоқда.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди.